

---

## ТАШРИФ

Бугун Маъмуржон Узоқов кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари Маданият вазирлиги, вилоят Маданият бошқармасидан бириктирилган масъуллар бошчилигига Марғилон шаҳридаги "Ижодкорлар боғи"да кутиб олинди.

Даставвал тадбир масъуллари ва танлов иштирокчилари Марғилон шаҳридаги "Машад" қабристонига дафн этилган буюк ўзбек санъаткорлари Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов қабрларини зиёрат этиб, қуръон тиловат қилдилар.

Кейинги ташриф манзили Маъмуржон Узоқов яшаган хонадонга бўлди. Меҳмонларга М.Узоқовнинг фарзандлари ўз миннатдорликларини билдириб, кўрик-танлов иштирокчиларга зафарлар тилашди.

2021-11-12 11:12:44